



Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

O'ZBEKISTON
RESUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 3 июнь, № 109 (5024)

Пайшанба

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

**Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар**

Ёшлар фестивали

ЧИРЧИК шаҳридаги олимпия захиралари спорт коллежида "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!" мавзuida ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиздаги 120 дан ортик касб-хўнар коллежларидан 5 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси, Республика болалар иқтисодий мослашув маркази, Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивални ўтказишдан мақсад ёшларни она-Ватанга садоқат, миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини мустақамлаш, шунингдек, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари, қаровсиз-

(Давоми 2-бетда).

Бежирим, сифатли, кўркем

АНДИЖОН. Қўрғонтепа туманилик тадбиркор Музаффар Аҳмедовнинг "Элга юсак ишонч" хусусий корхонасида хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида ўн турдаги мебель жиҳозлари ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

11 киши иш билан таъминланган корхона ойига ўртача 15 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрлаб, ички бозорга чиқармоқда. Айтиш керакки, туманда жорий йилнинг биринчи чорагида санат корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 6 миллиард 103 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энг яхши маърифат даргоҳи

БУХОРО. Вобкент маийш хизмат касб-хўнар коллежининг ахборот-ресурс маркази айна пайтда 94 минг 525 нуска китоб фондига эга.

Марказнинг 5 минг 200 нафар доимий китобхони бор. Зиё маскани ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасалари ўртасида ўтказилган танловнинг вилоят босқичида "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" деб эътироф этилди. Моҳира Хотамова раҳбарлик қилаётган ушбу марказ ходимлари мутахассисликлари борасида юқори малакага эга эканликларини беллашув жараёнида намойиш этишди.

Танловда кейинги ўринлар Бухоро нефть ва газ санати ҳамда Қорақўл тиббиёт коллежларининг ахборот-ресурс марказларига nasib қилди.

И. ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кредит фойда келтириди

СИРДАРЁ. Гулистон туманидаги гушт маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган "Макровит" хусусий корхонаси 65 миллион сўмлик банк кредити эвазига фаолиятини янада кенгайтди.

Пировардида маҳсулот тури кўпайиб, ишлаб чиқариш қуввати қарийб икки баробарга ортди. Қўшимча янги иш ўринлари яратилган корхонада замонавий технологиялар ёрдамида ойига ўртача 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах вилояти:

ТЕХНИК ЯНГИЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ

туфайли корхоналар юқори натижаларга эришмоқда

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янги корхоналарни бунёд этишга катта эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»


Натижада иқтисодийнинг реал тармоғи — ишлаб чиқариш соҳаси жадал ривожланиб, нафақат шахару туман марказлари, балки мамлакатимизнинг олис қишлоқ ва овулларида ҳам замонавий корхоналар ишга туширилмоқда, ички ҳамда ташқи бозорда Ўзбекистонда тайёрланаётган маҳсулотлар тури ва салмоғи изчил ривийда кўпайиб бораёттир.

Жумладан, Жиззах вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида санат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан салкам 15 фоизга ўсиб, 30 миллион АҚШ доллари миқдорига маҳсулотлар экспортга жўнатила- ни, барча манбалар ҳисоби- дан сарфланган маблағлар- нинг 13 фоизини тўғридан- тўғри киритилган хорижий инвестициялар ташкил этга- ни ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек,

2009 — 2012 йилларда вилоятнинг санат салоҳияти- ни ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий дастурга асосан, 2010 йилнинг ўтган даврида ҳудудда 19 та корхона ишга туширилди, 3 та корхона модернизация қили- ниб, битта корхона фаолият- ти тикланди. Дастурга муво- фик, йил якунига қадар яна 72 та корхона ишга тушириш режалаштирилган.

Жиззах шаҳрида хорижлик ҳамкорлар билан ташкил этилган "Jizzax elit royabzal" кўшма корхонаси ҳам ана шундай ислохотлар натижа- সিда ўз фаолиятини тубдан такомиллаштиришга эриш- моқда. Бунинг учун 330 минг АҚШ доллари миқдорига хорижий сармоя эвазига корхонага 26 та замонавий

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: корхона ходимлари Ирода Ҳожимуродова ҳамда Манзура Эгамбердиева.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

биз яшаётган қишлоқда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда

Ҳаётимиз тўқинлигию турмушимиз фаровонлиги, энг аввало, хонадонимиздан бошланади. "Обод ва саришта уйда барака бўлади", дейди кексаларимиз. Ҳар жиҳатдан тўқис уйда, яқинларинг даврасида бахтиёр умр кечиришга нима етсин?!

Бугун замонавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда қад кўтарилган иморатларда ҳам кам-кўстсиз ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ана шундай қулайлиги шарт- шaroитлар муҳайё эти- лаётганини кўриб қувонасан, киши. Ёруғ ва шинам хоналар, мустаҳкам эшик-ромлар, чок-қина пешайвон, обод ҳовли, ошхонаю меҳмонхона — буларнинг барчаси қишлоқ одамлари турмуш шароити- ни тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Янги уй қуришнинг машаққати бисёр. Бир хонадон кучи билан бунга йиллаб вақт, кўплаб

Дил сўзи

маблаг сарфланиши мумкин. Не бахтки, бугун юртдошларимизнинг ана шу ташвиши ҳам ариموқда: янги уй-жойда яшашни орзу қилган, бунга эҳтиёж сезган оилаларга тайёр ҳолда- ги иморатларнинг кали- ти топшириляпти. Му- хими, замонавий ва мил- лий меъморчилигимиз аънавалари асосида тик-

ланаётган бу уйлар қишлоқ одамларининг нафақат яшаш тарзи, балки дунёқараши, та- факкури, орзу-инти- лишларини ҳам бутун- лай ўзгартириб юбор- моқда, эртанги кунга ишончини мустақамла- моқда.

Албатта, бундай бе- қиёс ўзгаришлар бево- сита Юртбошимиз то- монидан амалга ошири- лаётган кенг қамровли ислохотлар самара- сидир. Ўтган ҳафта давлатимиз раҳбари вилоятимизда бўлган- ларида, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган бундай замонавий тураржойлар халқимиз турмуш фаро- вонлиги юксалиб, қиш- лоқларимиз қиёфаси- гўзаллашиб бораётган- нидан далолатдир, деб таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

Давлатимиз раҳбари Исом Қаримов раҳнамолигида амалга оширилётган изчил ислохотлар жараёнида шахс ва оиланинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари- ни ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш- нинг муҳим шарти сифатида белгиланган. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият — кучли давлат асосидир.

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Юртимизда бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани ўз самараларини бермоқда. Буни фуқароларнинг инсон манфаатларини кўзловчи қонунлар моҳиятини чуқур англаб, улардан унумли фойдаланишга интилиши тобора кучаяётгани ҳам кузатиш мумкин. Бу жараёнда жа- мият тараққиёти, аҳоли манфаат- ларини кўзлаб қабул қилинаётган янги қонунлар моҳиятини кенг тар- гихи эътиш муҳим аҳамиятга эга. Қонунлар тарғиботида, шунингдек, аҳолининг мавжуд қонунлар билан чуқур танишишида уларнинг бир тизимга солингани ишни янада оsonлаштиради.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Германиянинг халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди ҳамкорлигида қонун ҳужжатларини туркумлаш ҳамда бу жараёнда электрон маълумотлар базасидан фойдала- ниш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро семинарда шу ҳақда гап борди.

(Давоми 2-бетда).

СИНГАПУРЛИК ҲАМКОРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ҚИЗИҚИШИ ОРТМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг апрель ойи охирида Сингапур ишбилармон доиралари делегациясининг мамлакатимизга ташрифи асносида Тошкент шаҳридаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон — Сингапур бизнес-форуми бўлиб ўтган, унда Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари, хусусий компаниялари ҳамда Сингапур ишбилармон доиралари иштирокида кооперация биржаси ташкил этилганди.

Яқинда мамлакатимизнинг Сингапурдаги элчионасига Ўзбекистон — Сингапур бизнес-форумининг бир қатор иштирокчилари ташриф буюриб, Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда кўтарилган масалалар муҳокамасини давом эттириш таклифини билдиришди. **Сингапур Бизнес уюشمаси директорининг Европа ва МДХ мамлакатлари масалалари бўйича ўринбосари Рени Кох** ўзбекистонлик ишбилармонларнинг фаоллигига эътибор қаратиб, унинг ҳамкасблари

Узаро манфаатли ҳамкорликни ри- лар оқимининг сезиларли дара- жада ошишига имконият яратади", дея таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, икки мам- лақат ўртасидаги савдо ва сармоя- вий ҳамкорлик йилдан-йилга мус- тақамланиб бормоқда. Сўнги пайтларда икки томонлама товар айланмаси ривожланиш кўрсаткич- ларини намоён этмоқда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ке- чаётганига қарамай, ўтган йил якунларига кўра, ўзаро савдо ҳажми қарийб 100 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Сингапур капитали иштирокида 20 та кор- хона фаолият юритмоқда.

«Жаҳон» АА.
Сингапур

Биз ва дунё

Сингапурлик ҳамкорларнинг ўзбекистонга қизиқиши ортмоқда

Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг биринчи чорагида «Ўзқурилишматериаллари» компанияси тизимида

33

та янги корхона ишга туширилди.

ЯНГИ КОРХОНАЛАР, ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

Ана шу корхоналар шарофати туфайли жойларда замонавий томёпқич материаллари, гипсокартон, қуруқ гардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



ИСТИҚБОЛНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ

биз яшаётган қишлоқда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда



Сарвар УРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сафар асносида Юртбошимизнинг дастлаб қишлоғимизга, хонадонимизга ташрифидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. У киши бу ерда бунёд этилган 20

та замонавий уй-жойни кўздан кечирар эканлар, бундай уйларида яшаш инсоннинг кайфиятини кўтариб, меҳнат фаолиятида унум ва барака келтиради, деганларида, айниқса, руҳлиниб кетдик. Ўз навбатида, қишлоқ одамларининг

ҳеч қандам кам бўлмай яшашлари учун юксак эътибор қаратаётганлари учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилдик.

Биз истиқомат қиладиган янги қишлоққа яхши ният билан Истикбол маҳалласи деб ном

берилди. Водийдаги энг гўзал ва сўлим гўшалардан бири — Миндонобод қишлоғи устида қад ростлаган 20 та икки қаватли уйнинг ҳар бири қошнинг ўзинаси: замонавий қишлоқ учун шундай табии бетақрор жой танланганки, ҳар эрта тонгдан Шохимардон тарафлардан суҳбаси эсиб келади. Қишлоқ четидан оқиб ўтувчи Шохимардонсойнинг шарқироғи кўнгилга ҳузур бағишлайди. Қишлоқнинг куйи томони эса янгидан ташкил этилган боғ роғларга тутшиб кетган.

Қишлоғимиз билан бир пайтда Ўзбекистон туманининг Ҳаётбод қишлоғида ҳам намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 20 та тураржойнинг калити ўз эгаларига топширилибди. Айни кунларда вилоятнинг қайси бир туманида бўлманг, улкан бунёдкорлик ишларига

кўзингиз тушади. Буларнинг барчаси Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида янада янгидан қамров касб этди. Фарғона вилоятида жорий йилнинг ўзида 610 та замонавий тураржой барпо этилиши сўзимизнинг тасдиғидир. Энг муҳими, бу уларнинг барчаси пишиқ гиштдан қурилаяпти. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки вакилларининг таъкидлашича, бу шинам ва кўркам иморатларнинг дастлабки бадаллари тўлаб қўйилди. Демак, уларнинг қурилишини жадал суръатларда давом эттириш учун маблағ ҳам, манба ҳам етарли. Келгусида бу замонавий қишлоқлардаги бунёдкорлик ишлари янада жонланган бўлиши, шубҳасиз. Зотан, яқин кунлар ичида яна юзлаб бахтиёр оилалар замонавий қишлоқларга кўчиб ўтиб, бу ерда «ховли тўйлари»ни нишонлайдилар.

Нишонбой БОБОРАҲИМОВ,
Фарғона тумани,
Миндонобод қишлоғи.

ТАДБИРКОРГА — МАДАД, ЙЎЛОВЧИГА — ХИЗМАТ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида аҳолининг замонавий хизмат турларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, юрtdошларимизнинг турмуш даражаси тобора юксалишига хизмат қилаётди.

Айтиш жоизки, бунда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириши жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал вазифасини ўтаётди. Эътиборлики, мазкур қарор ижроси туфайли транспорт-коммуникация тармоғи ҳам жадал тараққий этмоқда.

Маълумки, мавжуд қонунчиликка кўра, мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатувчи жисмоний ёки юридик шахс, энг аввало, махсус лицензияга эга бўлиши лозим.

Тендер танловининг ўтиши ёки транспортнинг йўналиш бўйлаб йўлга чиқиши иш ниҳоятга етди, дегани эмас, албатта. Бунинг учун ҳайдовчидан ўқув ва ўқув, етарлича тажриба талаб этилади.

Бироқ мутасадди идоралар билан ўтказилган назоратлар давомида айрим хусусий транспорт эгалари у ёки бу жиҳатдан камчиликларга йўл қўётгани аён бўлапти. Масалан, кейинги пайтларда ўтказилган рейдлар чоғида 549 нафар ҳайдовчи тегишли хужжатларсиз йўловчи ташиётгани аниқланди.

Қарор ва ижро

Табиийки, давлат солиқ инспекция-сини ҳодимлари томонидан уларга қонуний чора кўрилиб, 270 миллион сўмдан зиёд миқдорда жарима белгиланди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хусусан, йўловчи транспорт паркинни замонавий автобуслар билан тўлдир-иш зиммаларини асосий вазифалардан ҳисоб-ланади. Ана шу мақсад йўлида ўтган йили Наманган шаҳрига 200 та «Исузу» автобуси келтирилди. Улар эндиликда янги ташкил этилган «Наманган йўловчи ташиш» давлат унитар корхонаси таркибига аҳолига намунавий хизмат кўрсатмоқда.

Шуни эътиборлики, мазкур автокорхона фаолиятининг йўлга қўйилиши тармоқда кўшимча 500 дан зиёд иш ўрни яратилишига имкон берди. Бундан ташқари, жорий йил бошида «Наманган Исузу техсервис» масъулияти чекланган жамиятининг ташкил этилиши боис иш кўлами янада ошди.

Қисқа қилиб айтганда, бу сингари истиқболли лойиҳалар амалга оширилиши вилоятда транспорт хизмати кўрсатишининг сифатини ҳам, салмоғини ҳам оширмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида тармоқ хизматчилари томонидан 37,4 миллиард сўмлик иш бажарилиб, бу соҳада белгиланган режа 123 фоизга адо этилгани фикримиз исботидир.

Ҳасанбой БОЙДАДАЕВ,
«Ўзавторетранс» агентлиги Наманган вилояти бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Яхши хабарлар

Жорий йилда Хоразм вилоятидаги 532 та умумтаълим мактабини 31820 нафар ўқувчи битириб чиқади.

Мутахассислик — сенинг келажагинг

Уларнинг касб танлашлари кўмаклашиш мақсадида Урганч шаҳрида «Мутахассислик — сенинг келажагинг» номи кўргазма ташкил этилди. «Қамолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан уюштирилган ушбу кўргазмада 86 та касбунар коллежи ҳамда 5 та академик лицей вакиллари тадбир иштирокчиларига ўзларидagi мутахассисликлар ҳамда таълим тарбия шарт-шароитлари ҳақида батафсил маълумотлар бердилар.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳолига қулайлик

Чимбой туманидаги «Бахтли йўналиш» масъулияти чекланган жамияти банкдан олинган 267,2 миллион сўмлик кредит ҳисобига 5 та «ISUZU» русумли автобус харид қилди.

Айни пайтда ушбу автобуслар қишлоқ аҳолисининг узоғини яқин қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида тумандаги кичик бизнес субъектлари томонидан аҳолига 383,4 миллион сўмлик сервис хизмати кўрсатилди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Чеварлар танлови

Наманган шаҳрида «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан» республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларидан голибликни қўлга киритган 12 нафар чевар миллатимиз рамзи бўлган тўрт гулли бежирим дўппилар тикиш бора-сида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Яқунда «Устоз чевар» йўналишида чушлик Садоқатхон Йўлдошевнинг маҳорат билан тикан дўппилари биринчи ўринга лойик кўрилди. «Шогирд» йўналиши бўйича эса голиблик Наманган шаҳридаги 26-умумтаълим мактаби ўқувчиси Нафиса Жамолдиновага насиб этди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қонун ҳужжатларининг самарали тизими

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Е. Каньязов мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият бериллаётганини алоҳида таъкидлади. Қонунларнинг амалда самарали ишлаши таъминлаш бarchа идора ва ташкилотларнинг асосий вазифаси қилиб белгиланган. Хусусан, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиши

яқинлашда адлия идоралари зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятнинг ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизimini такомиллаштириш ва амалдаги қонун ҳужжатларини босқичма-босқич туркумлашни

ташқил этиш ишлари изчил йўлга қўйилган. Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларининг ягона электрон базаси яратилгани бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — «LexUz — ҳуқуқий ахборот излаш тизими» дан бarchа бепул фойдаланиш имконига эга. Мазкур рас-

турда ўзбек ва рус тилларидаги 20 мингга яқин қонун ва меъёрий ҳужжат жамланган. Тадбирда иштирок этган Германия Адлия вазирлиги вакили С. Жекек Ўзбекистонда миллий қонунчилик асосларини халқаро андозалар бўйича яратиш, ягона тизимга солиш бора-сида бой тажриба тўплаганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари иштирок этган тадбирда қонун ҳужжатларини туркумлаш, ушбу жараёнда электрон маълумотлар базасидан самарали фойдаланиш борасида Ўзбекистон ва Германия тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Н. ЛЕДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.


Жиззах вилояти:

ТЕХНИК ЯНГИЛАНИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ туфайли корхоналар юқори натижаларга эришмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

дастгоҳ олиб келиб ўрнатилди. Пировардида бу ерда 28 та янги иш ўрни яратилиб, жаҳон талабларига мос, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айтиш жоизки, айни кунда корхонада тайёрланаётган, эркаклар ва аёллар учун мўлжалланган 25 турдаги пойабзаллар ички бозорда тобора кўпроқ ўз харидорларига эга бўлиб бораётди.

— Илғор технологиялар асосида йилга 144 минг жуфт пойабзал тайёрлаш имкониятига эгамиз, — дейди корхона раҳбари Жамшид Холматов. — Ҳозирда ички бозорга кунига 100 жуфт маҳсулот етказиб бераётган бўлсак, янги қув-



СУРАТДА: Мутахассис Айхан Алтунжу ва оператор Ином Умаров.

ватлар тўлиқ ишга тушиши билан бу кўрсаткич бир кеча-кундузда 400 жуфтдан ошади. Шу билан бирга, корхонадаги

иш ўринлари сони ҳам 35 тага етади.

Улугбек АДИЛОВ,
Бахтиёр АКРАМОВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Юртимизда аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш, турмуш даражасини юксалтириш масалаларига катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

ри ён-атрофдаги вилоятлардан ҳам харидорлар келмоқда. — Маҳсулотларимиздан, асосан, қурилишнинг пардозлаш жараёнида фойдаланилади, — дей-

БАНДЛИК — ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Таъкидлаш керакки, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самараси, айниқса, кейинги йилларда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Хусусан, дунё бўйлаб қузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз аксарият давлатларининг меҳнат бозорига таъсир кўрсатаётган бир пайтда мамлакатимизда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида қайд этилган ҳамда Илқирозга қарши чоралар дастурини даволатнинг беришган аниқ вазифалар ижроси туфайли аҳолининг бандлик даражасини оширишда юқори кўрсаткичларга эришилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида республикамизда 215,4 мингга иш ўрни яратилгани, унинг 150

мингдан ортиғи қишлоқ жойларда тўғри келгани, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасининг ҳиссаси юқори бўлганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Чиндан ҳам, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ички бозорнинг сифатли маҳсулотлар билан тўлдирдиш баробарида, аҳолини фойдала мейнатида жалб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётган.

Қарши туманидаги Батож қишлоғида фаолият юритаётган «Равшан Б. А.» хусусий корхонаси — шундай тадбиркорлик субъектларидан бири. Айни пайтда мазкур корхонада 23 турдаги пишиқ гишт ишлаб чиқарилмоқда. Ун нафар ишчи томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга Қашқадарёдан ташқа-

ди корхона раҳбари Музаффар Равшанов. — Шу боис қўллаб қурилиш ташкилотларига шартнома асосида 50 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бер-

Ислохот

дик. Айни кунларда яна бир қурилишбоп маҳсулот — томёнк ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатидаммиз. Бунинг учун хорихдан 16 миллион сўмлик замонавий технология олиб келдик. Бу эса қўшимча равишда бир неча кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

— Аҳолини иш билан таъминлаш ва уларни ўзига хос меҳнат турларига жалб этиш, даромад манбаларини шакллантиришда мамлакатимиз раҳбарни томонидан қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорлар дастурил-

амал вазифасини ўтамоқда, — дейди Қарши тумани Бандликка кўмаклашувчи маркази директори Фозил Нормуродов. — Жумладан, Президентимизнинг 2006

йил 5 январдаги «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги иштираб чиқариш ва хизматлар ўртакда кооперацияни кенгайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси асосида олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг тўрт ойида 180 та касаначилик иш ўрни яратилиб, 17 оилага қорамол берилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, касаначилик, айниқса, хотин-қизлар, кўп балали аёлларни ишлаб чиқаришга жалб этишда, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда муҳим омил бўла-

ётди. Масалан, Қарши туманининг Губдин қишлоғи Дилором Курбонова шу ҳудудда истикомат қиладиган 60 нафардан зиёд хотин-қизга гилан тўкиш силларини ўргатапти.

Бу ҳунарманд аёл шу йилнинг бошида хорихлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик ўрнатганди. Ҳозирга келиб, шогирдлари томонидан тўкилаётган гилалар сифат жиҳатидан юқори баҳо-ланиб, харидорлар эътиборига тушмоқда.

Қашқадарё вилояти бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида қарий 19 мингта иш ўрни яратилган бўлса, унинг 792 таси янги ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, 1986 таси яқка тартибдаги тадбиркорлик, 2868 таси фермер хўжалиқларини ривожлантириш, 235 таси ишлаб чиқариш инфратузилмасини яқинлаш орқали ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида, ишбилармонларда тадбиркорлик салоҳияти шаклланишига, ишлаб чиқариш ҳажми ор-тишига, пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қилаётди.

Дилшоҳ УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар фестивали

(Давоми. Боши 1-бетда).

лиги ва назоратсизлигининг олдин олишдан иборат.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол воғга етиши учун алоҳида эътибор ва ғамўрлик қўрсатилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар ўрта-сида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ОИТС, гивҳандлик ва бошқа зарarli иллатларга қарши курашиш самардорлигини ошириш долзарб масалалардан экани қайд этилди.

Фестиваль давомида «Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти», «Сиз қонунни биласизми?», «Етақчилик» каби мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда семинар-тренинг машулотлари ўтказилди.

«Баркамол авлод соғлом турмуш тарзини танлайди» мавзунда намойиш этилган театрлаштирилган томоша барчага манзур бўлди. Ўқувчи-ёшлар ўрта-сида шахмат, стол тенниши, волейбол ва футзал бўйича беллашувлар ҳам қизиқари ўтди.

Лutfулло СУВОНОВ,
ЎЗА мухбири.

24 соат ичида

ЖАХОН

"Буюк Хитой девори ниманинг эвазига бунчалик мустақам?" деган савол кўндан буюн мутахассисларни қизиқтириб келади.

Буюк Хитой девори сирри

Бу борада кўп қатъий таққотлар ўтказилган бўлса-да, аниқ фикр айтилмаган. Яқинда мазкур жумбоққа жавоб топилди. Хитойлик мутахассисларнинг фикрича, деворни бунёд этишда гуручдан фойдаланган. Ушбу махсулотдаги ёпишқоқлик хусусияти иншоотнинг пишиқлигини таъминлаган.

Инфляция даражаси назоратда

Май ойида Европа Иттифоқида инфляция даражаси ана ошган.

Ташкилотта аъзо ўн олт мамлакатнинг барчасида ана шундай салбий кўрсаткич кайд этилган. Мутасаддилар эса инфляция даражаси тўлиқ назоратдан чиқиб кетмаганини таъкидлашмоқда. Худудда ўтган ой истеъмол даражаси 1,5 фоизга ошган бўлса-да, ушбу кўрсаткич Европа марказий банки томонидан белгиланган икки фоизлик меъёрдан паст, дея баҳоланган.

Ўт олдириш қисмидаги камчилик

АҚШнинг "Ford Motor" автомобилсозлик компанияси савдога чиқарган "Focus" русумли 236643 дона машинасини қайтариб олишга мажбур, дейилди "Bloomberg" хабарига.

Гап шундаки, 2008 — 2010 йилларда Хитойда сотилган мазкур автоуловларнинг ўт олдириш қисмида камчилик борлиги аниқланган. Бу машиналарнинг бир маромда ҳаракатланишига ҳалал бермоқда. "Focus" русуми ("Ford Motor"), "Mazda Motor" (Япония) ҳамда "Chongqing Changan Automobile" (Хитой) компаниялари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган.

Тинимсиз ёққан ёмғир сабаб

Хитойнинг шимолида қузатилган ноқулай об-ҳаво шароити катта талафотларни келтириб чиқарди.

Кучли шамол эсиб, тинимсиз ёққан жала ўн етти кишини ҳаётдан олиб кетган. Бундан ташқари, бир неча соат мобайнида худудда автотранспорт ва темир йўл ҳаракати тўхтаб қолган. Шамол кўплаб дарактларни илдизи билан суғуриб ташлагани туфайли бир қанча биноларга зарар етган.


Шифохонадаги ёвузлик

Покистоннинг Лаҳор шаҳридаги шифохонага хуруж уюштирилди.

Шифо маҳканига бостириб кирган жангарилар ўқидан ўн киши ҳалок бўлган, ўттизга яқин киши тан жароҳати олган. Жабрланганларнинг аксарияти беоморлар экани айтилмоқда. Ҳозирча бу қабихликни бирор бир гуруҳ ўз зиммасига олгани йўқ.

Хорик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори банк тизимини ҳам эркинлаштириш ва ислоҳ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2010 йил 19 апрелдаги "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда.



МИЖЗОЗ ИШОНЧИ — АСОСИЙ МЕЗОН

Мазкур ҳужжатларда тижорат банклари обрў-эътибори ва ишончилигини ошириш мақсадида банк хизматлари соҳасида янги технологияларни жорий этиш, хусусан, сўм пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланган. Бугунги кунда ана шу ҳужжатларда белгиланган талаблар ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани боис банк пластик карточкалари ҳисоб-китоб қилиш ва пул маблағларини сақлашнинг замонавий ҳамда қулай воситасига айланди. Пластик карточкаларни ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳам ушбу ҳужжатларда қилишнинг самарали механизми яратилди.

Зеро, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида пластик карточкалар давр талаби бўлиб, улар юртимизда пул эмиссиясининг қисқаришига олиб келади, аҳоли учун ўз маблағларидан самарали фойдаланишда қулайликлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, хусусан, унинг Урганч бўлими юқоридаги қарорлар ижросини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунда банк бўлимининг миқозлари сони 140654 нафарни ташкил этади. Уларнинг 6015 нафари юридик шахс ҳисобланади. Утган йилнинг шу давридаги нисбатан бу кўрсаткич 46 фоизга ошган, миқозлари сони 45 мингга кўпайгани банк бўлими жамоасининг уларга нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимидаги замонавий хизмат турларини сифатли тақдим этиб келаётганигидан далолат беради. Ҳисоб-китобларда қулайлик, нақд пул айланишининг ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг қисқариши, пул маблағларини сақлаш ва улардан фойдаланишдаги хавфсизлик, миқоз манфаати ҳимояланганлиги — пластик карточканинг афзалликларини

Молия муассасаларида

бўлими томонидан аҳолининг пул маблағларини "ихчам" сақлаш ва тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида 83 минг дондан ортиқ сўм пластик карточкалар очилган. Ушбу омонат бўйича қолдиқ қарийб 5,9 миллиард сўмни ташкил этади. Жойлардаги савдо ва хизмат кўрсатиш нукталарида 273 та терминаллар тармоғи жорий этилган бўлиб, у ўтган йилдаги нисбатан 159 тага кўпайган. Пластик карточкалар эгаларининг сони эса, ўтган йилдаги нисбатан деярли 72 фоизга ортган. Жорий йил бошидан буюн банк бўлимининг банкومات ва терминаллар орқали амалга оширган

нақд пулсиз тўловлари 8,8 млрд сўмга етди. Бу олдинги йилга нисбатан 11,6 баробар кўпдир. Айни пайтда банк бўлими миқозлари ҳисобланган 330 тадан ортиқ йирик корхона ва ташкилот ходимларининг иш ҳақлари пластик карточкалар орқали берилаяпти. Пластик карточка эгаларига нақд пул зарур бўлганда хиз-

қалар орқали қабул қилинди.

— Вилоятимизда пластик карточкалар жуда амаллашиб, аҳоли кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолди, — дейди ТИФ Миллий банк Урганч бўлими бошқарувчиси Анвар Азевоз. — Бу банкдан ташқари нақд пул маблағлари айланишини қисқартириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда жойларда манфаатдор идоралар, йирик корхона ва хўжалик юртуруви субъектлар раҳбарлари билан ҳамкорликда терминаллар сонини янада кўпайтириш, уларнинг тўлиқ ишлашини таъминлаш, бу борада назоратни қулайтириш чоралари кўрилган. Бу эса бизни миқозлар ишончини оқлашга, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада кенгайтиришга ундамоқда.

Дарҳақиқат, нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг тезкор, ишончи ва қулай воситаси ҳисобланган сўм пластик карточкалари барча миқозларнинг талабларига, қизиқишларига тўлиқ жавоб бермоқда. Энг муҳими, банк бўлими фаолиятида ҳам силжишларга сабаб бўлмоқда.

Биз банк бўлими фаолиятининг баъзи қирралари ҳақида тўхталиқ, холос. Унинг жамоаси ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни тўлиқ бажариш йўлида сидқиқилдан меҳнат қилиб, интилиб, изланиб келмоқда. Шубҳасиз, ушбу молиявий муассаса мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Акция доирасида "Келажак нури" нодавлат нотижорат ташкилоти фанлар репродуктив саломадлиқ, инфекциялар юқишининг олдини олиш йўллари каби мавзулар буйича тренинг машғулотлари ўтказилди.

Ойбек РАҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

«Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» Андижон давлат университетида Ижтимоий ташаббусларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан «Соғлом ёшлар» лойиҳасининг «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» мавзусидаги ёшлар акцияси ўтказилди.

Ташаббус

Навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Ийғит-қиларни ОИТС, гиёвандлик ва бошқа зарарли йуллардан ҳимоя қилиш, улар ўртасида соғлом турмушни қарор топтиришга йўналтирилган «Соғлом ёшлар» лойиҳасига қўра, Андижон вилоятининг барча туманларида ёшлар акциясини ўтказиш режалаштирилган.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига шартнома асосида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси: доцент.
Нефть-газ қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси: доцент.
Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси: доцент.
Органк кимё ва оғир органк синтез технологияси кафедраси: доцент, ассистент.
Силикат материаллари технологияси кафедраси: доцент.
Аналитик кимё ва янги металлургия технологияси кафедраси: доцент.
Саноат экологияси кафедраси: доцент, ассистент.
Технологик жараёнлар ва қурималар кафедраси: доцент, ассистент.
Умумий кимё кафедраси: ассистент.
Қанд ва биғиш маҳсулотлари технологияси кафедраси: катта ўқитувчи.
Биотехнология кафедраси: катта ўқитувчи.
Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси: катта ўқитувчи.
Маҳсулот сифати менежменти кафедраси: доцент, ассистент.
Тиллар кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи.
Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси: доцент.
Олий математика кафедраси: профессор.
Физика ва электротехника кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.
Механика асослари ва муҳандислик графикаси кафедраси: ассистент.
Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси: катта ўқитувчи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲЎЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ ҲУҚУҚИДАҲИ УТҚАЗИШ ХОЛАТИ Тўғрисида 2010 йил 22 майдан 28 майгача БУЛГАН МАЪЛУМОТИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.
2. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.
3. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.
4. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.
5. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.
6. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.
7. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.
8. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.
9. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.
10. "Ўзбекистон Республикаси банк депозитлари билан ишловчи" давлат раёсати бўлими лавозимлари фаолиятини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. 2010 йил 24 мартдаги 24, 2010-15-сонли қарор.

«Чиноз балиқларга омихта ем тайёрлаш корхонаси» АЖ
Балиқ, парранда, қорамолларни боқиш учун тайёрланган, донатор омихта ем ва омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТАДИ.
Дон маҳсулотлари: макжаҳури, буғдой, арпа ва соя шроти, кунгабоқар шроти ҳамда омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни СОТИБ ОЛАДИ.
Манзил: Тошкент вилоти, Чиноз шаҳри.
Телефонлар: (+998 71) 215-51-52/53, (+998 93) 184-67-45. Факс: (+998 71) 233-18-12.
E-mail: chzrgk@mail.ru.
Маҳсулот сертификатланган.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
«МИКРОКРЕДИТБАНК»
ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги филиалларда ишлаш учун банк мутахассисликлари буйича магистр ва бакалавр илмий даражаларига, юқори савиядаги компьютер саводхонлигига эга бўлган, чет тилларини мукамал биладиган иқтидорли ёш мутахассислар танловини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Мурожаат учун манзил: 100096, Тошкент ш., Лутфий к., 14-уй.
Телефонлар: (8-371) 150-56-22, 273-05-83, 150-56-39, 273-28-11.
Эслатма: Тошкент шаҳрида ишлайдиганлар шаҳардаги яшаш жойларидан доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари керак.

«Росагропромснаб» МЧЖ
ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ҲИҶОЗЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ УЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м²/соатдан 500 м²/соат гача БУЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО-муфтталари
Т/ф: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Ташкент ш., Чинқор мазаси, Ч' даҳиси, 6-уй (мўъжал — «Шуқрат» дукони жойлашган чоррақа)

Танловга марҳамат!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
банкнинг аҳолидан рақамли лотереялар буйича қабул қилинган ютуқли үйин ставкаларини қайта назоратдан ўтказиш функциясига эга 2D штрих-кодли сканер ускуналарини харид қилиш буйича танлов эълон қилади.
Танлов ҳужжатлари тўпламини ҳар қандай ваколатли қатнашувчи қуйида кўрсатилган манзилдан олиши мумкин:
Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки, Тошкент шаҳри, 100096, Қатортол кўчаси, 46-уй.
Телефонлар: (+99871) 273-86-49, 150-13-12. Факс: (+99871) 150-12-94.
E-mail: lxmatulla@halkbank.uz
Барча таклифлар Халқ банкнинг юқорида кўрсатилган манзилга 2010 йил 8 июнь куни соат 17.00 гача тақдим этилиши лозим. Мазкур муддатдан сўн тақдим этилган таклифлар ва қўшимчалар қабул қилинмайди.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали
ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!
РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2010 йил 5 июль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилганлигини маълум қилади:
ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилири Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, С. Айний кўчаси, 4-уйда жойлашган «Раис бобо» номли 2 қаватли ресторан.
Ресторан 2007 йилда қурилган, умумий ер майдони — 1709,55 м², қурилиш ости майдони — 822,67 м², фойдалани майдони — 1454,35 м².
Бошланғич баҳоси — 748 411 000 сўм.
Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевоасита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтайтилади.
Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридagi закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг ОАТБ «Хамкорбанк» Самарқанд филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамини тўлашлари шарт: 2020800604460401001, МҲО: 01030, СТIP: 206074208.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 148-уй. Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона.
Телефон: (8-366) 234-06-38.

